

12-25-2018

Deprivation of parental rights: cases and consequences

M. Baratov

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Civil Law Commons](#)

Recommended Citation

Baratov, M. (2018) "Deprivation of parental rights: cases and consequences," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 3.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss4/3

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



DEPRIVATION OF PARENTAL RIGHTS: CASES AND CONSEQUENCES

M.BARATOV^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ЛИШЕНИЕ РОДИТЕЛЬСКИХ ПРАВ: ПОЛОЖЕНИЕ И ПОСЛЕДСТВИЯ

M.БАРАТОВ^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ: ҲОЛАТ ВА ОҚИБАТЛАР

M.БАРАТОВ^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мақолада ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳолатлари ва у келтириб чиқарувчи ҳуқуқий оқибатлар миллий қонунчилик асосида таҳлил этилади.

Калим сўзлар: ота-она, ота-оналик мажбуриятлари, бола ҳуқуқлари, қариндошлик, васийлик ва ҳомийлик, давлат ва жамият, ҳуқуқий оқибат.

Аннотация: в статье разъясняются случаи лишения родительских прав и вытекающие из этого правовые последствия в соответствии с национальным законодательством.

Ключевые слова: родители, обязанности родителей, права ребенка, родство, опека и попечительство, государство и общество, правовые последствия.

Annotation: the article deals with the conditions of deprivation of parental rights and its legal consequences analyzed with the basis of national legislation.

Keywords: parents, parental obligations, children's rights, kinship, guardianship and curatorship, state and society, legal consequence.

Ҳолат (реалия). Фалсафанинг машҳур қонуниятига асослансак, ҳар бир нарса (воқелик) да сабаб ва оқибат бўлгани сингари никоҳ орқали вужудга келган, оила гултожи бўлган фарзандларга нисбатан, афеуски, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатлари шунчаки ахлоқий, маиший, тор муносабат бўлмай, балки давлат ва жамият аҳамиятига молик масаладир. Шу маънода қонун чиқарувчи ушбу муносабатни ҳуқуқий маконга – оила қонунчилигига кўчирди. Аслидаку, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжихатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оилани унинг барча аъзолари масъуллиги асосида қуришидан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Гарчи Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовор бўлса ҳам тан олиш керак, “ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш” муносабатлари оила ҳуқуқининг, Оила кодексининг предметиدير. Зеро, ушбу муносабатлар турмушимизда, ҳаётимизда учраб турибди. Қонунчилик бундай ҳолатлар юзасидан ҳам ўз муносабатини “билдирмаса” бўлмайди. Хуллас,

қонун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг бешта ҳолати ва олти оқибатини нормалайди.

Оила кодексининг 75-моддасида ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишни меъёрга солар экан, қонун чиқарувчи “ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмаслигини, болалар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим”лигини назарда тутди. Бинобарин, “ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполлик, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомала, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Ўз ота-оналик ҳуқуқини болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга ошираётган ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади”. Аслидаку, “ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш”ни вужудга келтирувчи ҳолларнинг ҳар бири, жумладан:

- ✓ ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товлаши;
- ✓ узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, шунингдек тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортиши;
- ✓ ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилиши, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиши, жумладан, жисмоний куч ишлатиши ёки руҳий таъсир кўрсатиши;
- ✓ муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлиши;
- ✓ ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлиши халқ тили билан айтганда, лаънатга сазовор.

Қонун умумий қоидага кўра ҳуқуқ субъектларига бир пайтнинг ўзида ҳуқуқ беради, айни пайтда маълум мажбуриятларни ҳам юклайди. Бу ўринда ҳуқуқ субъектлари (оилавий-ҳуқуқий муносабатларда ота-оналар ва фарзандлар) бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳуқуқдор ва бурчдор саналади.

Оқибатлар. Шу маънода Оила кодексининг 81-моддаси биринчи қисмидаги оқибат – ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлишини белгилайди. Қонун чиқарувчининг бундай ҳукм ҳулосага келиши мутлақо табиий ва адолатлидир.

Қариндошлик фактига асосланган ҳуқуқлар – булар ўз боласи билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқи, ундан таъминот олиш, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган бир қатор ҳуқуқлардир.

Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахс (лар) болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Жумладан, бу ерда сўз Меҳнат кодексининг 224-моддасидаги (...боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар) “...боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши”, 225-моддасидаги (Аёллар меҳнатини қўллаш тақиқланадиган ишлар) “меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўллаш тақиқланиши..., аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилиши”, 228-моддасидаги (Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўллашни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш) “...ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмаслиги”, аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар (231-модда), 237-моддадаги (...боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар) “...уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги” каби имтиёз ва кафолатлардан маҳрум бўлиш ҳақида кетмоқда. Шунингдек, бу каби имтиёз ва кафолатлар бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам учрайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги ПФ–1657-сон Фармони [1]да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар тўлаш (шундай нафақага муҳтож оилаларга) назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва

моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 44-сон қарори [2]да 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига қадар бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби белгиланган. Ушбу ҳужжатга кўра, болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамнинг тўланадиган миқдорлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади. Агар нафақа ва моддий ёрдам тўлаш кейинги календарь йилга ўтган тақдирда нафақа ва моддий ёрдам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йил бошига белгиланган миқдорига мувофиқ белгиланади. Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслиги керак. Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортик болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунига қадар бир баравар миқдорда тўланиши нормаланган. Мутасадди идоралар томонидан тасдиқланган “Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) [3] да ушбу тоифа оналарга имтиёзлар қафолатланган.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг навбатдаги оқибатини – ҳеч бир шарҳ талаб қилмайдиган аксиома (қоида)ни мазкур норманинг иккинчи қисмида ўқиймиз: [ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Зеро, қонун бола манфаатларини устувор санайди.](#)

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори 18-банди суд жавобгарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 205, 207-моддалари қоидаларига (2018 йил 1 апрелдан кучга кирган Фуқаролик процессуал кодексининг 251, 254-моддаларига – М.Б.) [4] асосланиб, ундан алимент ундириш тўғрисидаги масалани, бундай даъво қўзғатилган-қўзғатилмаганлигидан қатъи назар, биргаликда ҳал этиши шартлиги хусусида тушунтириш беради. Яъни суд бу турдаги ишлар юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилаётганида далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқлангани ва қандайлари аниқланмагани, бу иш бўйича қандай қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилиши кераклигини ҳамда арз қилинган талаб қаноатлантирилиши лозимлиги ёки лозим эмаслигини аниқлайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг навбатдаги оқибати – [ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг \(улардан бирининг\) бундан кейин бола билан биргаликда яшаш-яшамаслик масаласини суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинишидир. Уй-жой кодексининг 32-моддасида белгиланган қоидага кўра уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга, улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақли. Оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади. Қонун бу ўринда турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини \(эри\) ва уларнинг фарзандларини тан олади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлса, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб тан олиниши мумкин.](#)

Мулкдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни, уларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан бошқа шахсга бериш мумкин. Уй ёки квартиранинг мулкдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

Норманинг навбатдаги қисмида – [ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг ота-онаси \(улардан бири\) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган боланинг, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш](#)

хуқуқини сақлаб қолиши, шунингдек ота (она)си ва бошқа қон-қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши билан боғлиқ оқибати мустақамланган. Таъкидланганидек, қонун оилавий-ҳуқуқӣ муносабатларда бола ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини устувор қўяди. Унга кўра, ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Шунингдек, ота-онаси ва бошқа қон-қариндошлари (бобо-буви, амаки-тоға, амма-хола ва бошқалар) билан туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатининг навбатдагиси болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилиши билан боғлиқдир. Бу ерда икки ҳол фарқланган: болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмагани ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингани. Аммо қонун чиқарувчи томонидан оқибат бир хилда баҳоланган: бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб берилди. Бу “...болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиниши”дек конституциявий норманинг амалга оширилишидир.

Хатоларнинг энг буюғи аввал қилинган хатоларнинг такрорланишидир, дейлади манбаларда. Қонун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг навбатдаги оқибати сифатида ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олиш мумкинлигини назарда тутди. Албатта, бу ўринда боланинг бошқа шахслар томонидан фарзандликка олинган-олинмаганлигини унутмаслик лозим. Болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин камида олти ой ўтгач йўл қўйилади. Бу ўринда олти ой қонун чиқарувчи орган томонидан оилавий-ҳуқуқӣ муносабатлар доирасида оқилона муддат сифатида қаралмоқда.

Хулоса. Сўз ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида кетар экан, қуйидаги хулосаларга келамиз:

биринчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юридик фактдир, у туфайли фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари янгидан вужудга келади, ўзгаради ёки кимларгадир нисбатан бекор бўлади;

иккинчидан, оилавий-ҳуқуқӣ муносабатларда ахлоқ нормаларини ҳам зинҳор унутмаслик керак. Зотан, оилавий-ҳуқуқӣ муносабатларда мулкӣ эмас, шахсий, ахлоқӣ жиҳатлар устундир;

учинчидан, қонун кейинги нормаларда “ота-оналик ҳуқуқини тиклаш”ни ҳам назарда тутди. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ёки бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи суд тартибида тикланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 22-моддасига биноан, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди”.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining axborotnomasi. - 1997. - № 1. 7-modda.
2. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - 2013. - № 8. 101-modda.
3. Byulleten normativnix aktov ministerstv, gosudarstvennix komitetov i vedomstv Respubliki Uzbekistan. - 2002. - № 5.
4. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.01.2018 yil, 02/18/FPK/0612-son.